
“Янги Ўзбекистонда эл азиз, инсон азиз”: байрам арафасида 327 нафар хотин-қизларга бир марталик моддий ёрдам кўрсатилди

Бағдод туманида ижтимоий ҳимояга муҳтожлиги сабабли “Аёллар дафтари” рўйхатига киритилган 327 нафар аёлнинг ҳар бирига 1 млн. 200 минг сўмдан (жами 392 млн. 400 минг сўм) бир марталик моддий ёрдам пуллари тарқатилди. Шу муносабат билан секторлар кесимида ташкилланган тадбирларда туман ҳокими Юсуфжон Хусаинов ва сектор раҳбарлари қатнашди.

Барча соҳаларда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, ижтимоий, иқтисодий, маънавий-маърифий йўналишларда рўй бераётган мисли кўрилмаган янгиланишлар ва энг асосийси, одамларнинг дунёқарашида ўз аксини топаётган шукроналик ва эртанги кунга ишонч ҳисси ушбу тадбирларда янада яққол намоён бўлди.

Туман ҳокими тадбир иштирокчиларини Ватанимиз мустақиллигининг 31 йиллиги билан самимий қутлаш билан бирга, ишсиз ва ҳимояга муҳтож ҳар бир хотин-қизнинг бандлигини таъминлаш, томорқадан самарали фойдаланишда кўмаклашиш, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш, касб-ҳунарга йўналтириш, кредитлар ажратиш, мавжуд муаммоларни ўрганиш ва бартараф этиш ишларини ташкил этиб, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасидаги амалий ишлар изчил давом этишини алоҳида таъкидлади.

Бағдод тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати.

2022-08-30 15:26:57